



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 23 август, № 172 (9067)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САММИТ ЎЗАРО СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 22 август куни «Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон» форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Дастлаб “Аваза” миллий туризм зонасининг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг юзма-юз ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида Туркменистон етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишда жаддал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион долларни ташкил этди. Февраль ойидан бошлаб мамлакатлар ўртасида эркин савдо режими амал қилмоқда, пойтахтларда савдо уйлари ишламоқда. Санаят, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда “Шовот — Тошовуз” савдо зонасини ишга тушириш бўйича биргаликдаги ишлар аяқланмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида Ҳукуматларо комиссиялар ва Ишбилармонлар кенгаши ййигилишлари ҳамда қатор маданий тадбирларни самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бўлажак еттинчи Маслаҳат учрашуви кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шу маънода, “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидаги музокаралар муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Турк-

ман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлики ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Гурбангули Бердимухамедовни август ойи бошида БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор самимий табриклади.

Ўзбекистон Президенти Озарбайжон етакчиси Илҳом Алиевни яқинда Вашингтон шаҳрида Арманистон билан тинчлик декларацияси имзолангани билан ҳам дилдан қўтлади.

Давлатимиз раҳбари кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтириш бўйича қатор аниқ таклифларни билдирди.

Уч давлатнинг улкан транспорт салоҳиятини тўлиқ ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Амалдаги ва истиқболли йўлақларнинг туташуви Хитойни мамлакатларимиз ҳудудлари орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа билан боғлайдиган барқарор ва самарали транскитъавий йўналишни шакллантириш имконини беришига ишонч билдирилди.

Хозирги кунда Хитой — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланган. Бундан ташқари, яқинда Покистон ва Афғонистон билан Трансафғон йўлагини қуриш лойиҳаси бўйича меморандум имзоланди.

Янги юк оқимлари, энг аввало, Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон инфратузилмасидан самарали фойдаланишни таъминлаши қайд этилди.

Урта маршрутни, шу жумладан, Зангезур йўлагини ривожлантириш борасида режалар ҳам қўллаб-қувватланди.

Энг муҳим масалаларни биргаликда экспертлар даражасида ишлаб чиқишга киришиш таклиф қилинди.

Бу — ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш, шу жумладан, Туркманбўши ва Боку портларида замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, келишилган тариф сиёсатини юритиш, тартиб-таомилларни рақамлаштириш ва юklar назоратини таъминлаш масалаларидир.

Ўзбекистон асосий бозорларга бизнес учун энг қисқа ва манфаатли чиқишни таъминлаш мақсадида юк ташиш тарифларини ўзаро асосда пасайтиришга тайёролиги билдирилди.

Бундан ташқари, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш логистика инфратузилмасини ривожлантиришда иштирок этиши мумкин бўлган донор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан прагматик ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имконини бериши таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Каспий денгизи орқали юklarни ташиш учун ўз паром қувватларини яратишдан манфаатдорлиги билдирилди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кооперацияни чуқурлаштириш ва энергия ресурсларини учинчи мамлакатларга экспорт қилиш йўлақларини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада Европага “яшил” энергия етказиб беришни ташкил этиш лойиҳаси истиқболли экани таъкидланди.

Анъанавий углеводородлар борасида Каспий шельфида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш таклиф этилди.

Товар айирбошлашни ва санаят кооперацияси қўламини тўбдан ошириш яна бир устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Туркменистон ва Озарбайжон билан ўзаро савдо ҳажми 2 баробар ошди. Товар айирбошлаш таркибида санаят маҳсулотларининг улуши 40 фоизга етди.

Барқарор савдо-логистика занжирларини ривожлантириш, улгуружи-таксимот марказларини ташкил этиш ва ййрик савдо тармоқларига чиқиш, фитосанитария ва карантин талабларини унификация қилиш, маҳсулотларни рақамли марки-

ровкалашни жорий қилиш, қўшма электрон платформаларни ишга тушириш ва товар-хомашё биржалари кооперациясини кенгайтиришнинг назарда тутадиган комплекс ҳаракатлар режасини биргаликда тайёрлаш таклиф қилинди.

Савдо-санаят палаталари шафелигида кўргазма-ярмарка тадбирлари ва ишбилармонлик учрашувларини ўтказиш орқали уч мамлакат ҳудудларини ушбу жараёнларга фаол жалб этиш таклиф қилинди.

Гуманитар алоқаларни кенгайтириш доирасида мамлакатларимиз ва учинчи давлатлардан сайёҳлар оқимини кўпайтириш, халқларимизнинг бой маданий мероси муштарақлиги, анъана ва урф-одатлари яқинлигини намойиш этиш имконини берадиган туризм ва маданий алмашинувларнинг уч томонлама дастурини қабул қилиш таклиф этилди.

Яқунда давлатимиз раҳбари илгари сурилган ташаббуслар ва эришилган келишувларни амалга ошириш учун “Йўл харитаси”ни тайёрлаш, шунингдек, асосий йўналишлар бўйича вазирларнинг қўшма учрашувлари механизмини ишга туширишни таклиф қилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Кўшма баёнот қабул қилдилар.

Етакчилар ҳузурида транспорт ва логистика, кемаасозлик ва фуқаро авиацияси соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар, Товар-хомашё биржалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев музокаралар якунида оммавий ахборот воситалари учун баёнот бердилар.

Президентимиз уч мамлакат халқлари манфаатлари йўлида стратегик ше-

рикликни ривожлантириш борасидаги қатъий сиёсий иродани яққол намён этган учрашувнинг самарали аяқуларини юксак баҳолади.

Музокараларда транзит йўлақларини ривожлантириш, жумладан, Туркманбўши ва Боку портлари имкониятларида самарали фойдаланиш, замонавий логистика инфратузилмасини биргаликда шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Миллий транспорт тизимлари интеграциясини чуқурлаштириш мақсадида минтақадаги мавжуд ва истиқболли йўналишларни ўзаро боғлаш режалари атрафлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон бу борада ўзаро мувофиқлашган сиёсат юритиш тарафдори экани таъкидланди. Бу, биринчи навбатда, халқаро бозорларга чиқишда бизнес учун қулай шaroитлар яратиш ва тариф сиёсати масалаларидир.

Каспий денгизи орқали логистика инфратузилмаси ва паром ташувларини ривожлантириш лойиҳалари устида биргаликда ишлаш бўйича келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, уч мамлакат ўртасида энергетика соҳасида — углеводород конларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқарилган электр энергиясини экспорт қилиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини каррасига ошириш ва санаят кооперацияси қўламини кенгайтириш вазифалари музокаралар кун тартибидан марказий ўрин эгаллади.

Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни рағбатлантириш чоралари қўрилиш ҳамда уч мамлакат ҳудудларининг салоҳиятини жалб этган ҳолда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шaroитлар яратилиши таъкидланди.

Етакчилар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экологик таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга келишиб олдилар. Бундан ташқари, туризм ва маданий ал-

машинувлар соҳасида қўшма дастур қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор ва ҳужжатларни амалга ошириш бўйича ишлар вазирлар томонидан “Йўл харитаси” асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида ушбу тарихий учрашув уч мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга, барқарор савдо, транспорт ва энергетика йўлақларини яратишга, шунингдек, минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Амалий ташрифнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев биргаликда “Аваза” конгресс маркази ёнидаги махсус майдонга ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмонларга “Галкиниш” миллий от спорти жамоаси ахалтака зотли тулпорларининг чиқишлари намойиш этилди.

Дунёга машҳур “Галкиниш” от спорти гуруҳи бу йил Монте-Карлода бўлиб ўтган 47-халқаро цирк фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, олтин мукофотга сазовор бўлди, шунингдек, Истанбулда бўлиб ўтган Халқаро этносспорт фестивалида муваффақиятли қатнашди.

Туркман халқининг миллий етакчиси Ўзбекистон халқига чуқур ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида давлатимиз раҳбарига тўкин-сочинлик ва фаровонлик рамзи бўлган туя ва бўталоқни совға қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи аяқунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг жаҳон маданий харитасидаги нуфузини юксалтириш, замонавий санъат, тарихий мерос, креатив иқтисодиёт ва туризм уйғунлигини таъминлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўиш, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида ва “Ижодкор шаҳарлар тармоғи” дастурига кирган, асрлар давомида илмфан, меъморчилик, хунармандчилик ва санъат маркази бўлиб келаётган эга экани қайд этилди.

- 2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта сентябрь — ноябрь ойларида Бухоро шаҳрида халқаро замонавий санъат биенналесини (кейинги ўринларда — Биеннале) ўтказиб борилин.
- Биринчи Биеннале 2025 йил 5 сентябрь — 20 ноябрь кунлари юқори савияда ўтказилсин.
- Қуйидагилар Биенналенинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:
 - мамлакатимизда замонавий ва амалий санъат,

хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда глобал маданий маконга интеграция қилиш;

б) креатив индустрияда таълим, тадқиқот ва касбий маҳоратни ривожлантириш, юртимиз вакилларининг жаҳонга машҳур уста-иҷодкорлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали халқаро даражага олиб чиқиш;

в) юртимиз туристик жозибадорлигини ошириш, маданий мерос объектларини санъат намойиши майдонларига айлантириш, мунтазам қайта ташриф буюришга бўлган қизиқишни шакллантириш.

4. Халқаро замонавий санъат биенналесига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тuzилсин, шунингдек, унинг таркиби ва асосий вазифалари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ташкилий қўмитанинг ишчи органи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат бизни муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда



Юртимизда ажойиб тарихий саналар, байрамлар кўп, бироқ улар орасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган кун халқимиз тарихи ва тақдири, ёрқин келажагидаги муҳим аҳамияти билан ажралиб туради. Шу боис мамлакатимизда мустақиллик байрами ўзгача шуқуҳ билан, чинакам умумхалқ байрами, озоодлик ва саядат айёми сифатида кенг нишонланади.

Нуктаи назар

Чунки асрлар давомида ўзининг ақлу заковати, бунёдкорлиги ҳамда бетакорр салоҳияти билан дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган, бироқ тарих ва тақдир тақозоси билан маълум муддат эрксизлик исканжасида кун кўрган ўзбек халқи учун ҳурриятнинг қадри бебаҳодир.

Шу кунларда миллий мустақиллигимизнинг 34 йиллигини кўтаринки руҳ ва хурсандчилик билан қутиб олиш учун қизгин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғояни ўзида муҷассамлаган байрам тадбирлари бугун биз

ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бораётганимизни намён этади.

Дунёдаги ҳар бир жамяят, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг юксалиши учун хизмат қиладиган ғояси, мафкураси мавжуд бўлади. Одамлар қайси бир жамяятда яшамасин, нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш қўриши ва фаолият юритиши лозим. Ғоянинг, мафкуранинг аҳамияти шундаки, у жамяятнинг ривожланиши, олға томон ҳаракатланишини рағбатлантиради, миллатнинг барча аъзоларини умумий мақсад йўлида бирлаштиради.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИНИ
ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6. Белгилансинки, биринчи Биеннале доирасида қуйидагилар амалга оширилади:

а) Биеннале ўтказиладиган **14 та** маданий мерос объектини кўргазма ва тадбирлар, таълим ва тадқиқот, ижодиёт ва ишлаб чиқариш жараёнлари уйғунлашган **креатив кластерга** айлантириш;

б) жаҳонга машҳур уста-ижодкорлар томонидан **60 тадан кўп арт-объект**, шу жумладан, инсталляцияларни яратиш, улардан Биеннале ўтказиладиган жойни бадий безашда фойдаланиш ва уларнинг энг муносибларини **дунё бўйлаб кўргазмаларда намойиш этиш**;

в) дунёга таниқли ижодкор, мутахассис ва ошпазлар иштирокида кенг жамоатчилик учун **10 ҳафталик илмий-маърифий, маданий-кўнгличорар, сайёҳлик ва гастрономик дастурларни ташкил этиш**;

г) биринчи Биеннале **махсус каталоги** ва Ўзбек **миллий таомлари рецептлар китоб-альбомини** чоп этиш, улардан

халқро миқёсдаги тарғибот воситаси ва **совғалар тўплами** сифатида кенг фойдаланиш;

д) Бухоро Биеннаlesi ҳақида **ҳужжатли фильм** яратиш, шунингдек, ундан фойдаланиб мамлакатимизнинг **сайёҳлик салоҳиятини тарғиб қилиш**;

ж) махсус таълим дастури асосида **халқро даражадаги кураторларни** тайёрлаш ҳамда уларнинг **жаҳоннинг етакчи санъат майдонларида Ўзбекистон номидан иштирок этишини** таъминлаш;

з) **30 нафардан** ортиқ халқро эксперт, куратор ва санъатшунослар иштирокида **халқро академик симпозиумини** ўтказиш.

7. Қуйидагилар:

а) Халқро замонавий санъат биеннаlesi ўтказиладиган моддий маданий мерос **объектлари** (кейинги ўринларда — Биеннале объектлари) рўйхати 3-иловага мувофиқ;

б) Халқро замонавий санъат биеннаlesiга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни

молиялаштириш манбалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Биеннале объектларида:

а) лойиҳалаштириш ва асрашга доир ишлар бўйича Маданий мерос агентлиги **буюртмачи** ҳисобланади;

б) хорижий таниқли мутахассислар билан ҳамкорликда алоҳида концепция ва дизайн асосида объектларни **бадий ёритиш** ва асрашга доир ишларни ташкил этиш, инфрақурилишларини яхшилаш, шунингдек, **Тасвирий санъат музейининг янги экспозициясини** яратиш чоралари қўрилади.

9. Белгилансинки, Биеннале доирасида 2025 йил 31 декабрга қадар Жамғарма ва Маданий мерос агентлиги томонидан шакллантириладиган рўйхатларга асосан ва улар белгиланган субъектлар томонидан импорт қилинадиган техника, жиҳоз, асбоб-ускуна, санъат асарлари ва уларнинг қисмлари, ашёлар ва бошқа товарлар **божхона божидан озод этилади**.

10. Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда биринчи Биенналега тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-

тадбирлар режаси, молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда харажатлар сметасини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Г. О. Умерова ҳамда Бухоро вилояти ҳоқими Б. К. Зарипов белгилансин.

13. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шохри,
2025 йил 21 август

МУСТАҚИЛЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат бизни муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда

Айниқса, Президентимиз томонидан асос солинган ва Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи сифатида дунё миқёсида тан олинаётган ҳозирги давр мустақиллиқни мустаҳкамлаш сари қўйилган залварли қадамлар давридир. Бунинг самараси ўлароқ шаклланаётган баркамол авлоднинг жаҳон майдонларидаги зафарлари эса янги Ўзбекистон қудрати ва салоҳиятини ёрқин мисоли бўлмоқда.

Олимпиада ўйинларида, турли даражадаги халқро мусобақаларда спортчиларимизнинг кўзга кiritаётган ютуқлари бунга далилдир. Хусусан, Ўзбекистон миллий терма жамоаси футбол бўйича 2026 йил АҚШ, Мексика ва Канадада ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этиб, МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритгани нафақат халқимизга, балки бутун қон-қардош туркий биродарларимизга ҳам байрамона кўтаринкилик ва ғурур бахш этди. Бу ютуқлар эса қисқа давр ичида Ўзбекистон чегаралари ёпиқ давлатдан минтақа интеграциясининг энг илгор ташаббускорига айланганининг далилидир.

Қолаверса, жорий йил Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бунинг яна бир ифодаси бўлди. Саммитда Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳамда амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, халқро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва Европа Иттифоқида дўстлик, ўзаро ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари дунё давлатлари лидерлари томонидан бир овоздан эътироф этилмоқда. Хусусан, Франция Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан, Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов “Ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” ордени билан мукофотлагани ҳам бунинг яққол намоёнидир.

Истиқлол йилларида қанчалик мураккаб ва масъулияти даврни босиб ўтган бўлмайлик, озод ва эркин ҳаёт инсон учун нақадар азиз ва муқаррам эканини қалбдан ҳис қилмоқдамиз. Зотан, истиқлол учун курашларда жон берган, ноҳақ айбловлар асосида қатагон қилинган аждодларимизнинг аянчли тақдири, улар қандай дахшатли кунларни бошларидан ўтказганини бир зум бўлса-да, хотиримиздан фаромуш этганимиз йўқ.

Ота-бобаларимиз асрлар давомида оруз қилган ва бу йўлда жонини фидо этишга рози бўлган истиқлолни асраб-авайлаш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бу борада, айниқса, тинчлигимиз, хотиржамлигимизга масъул бўлган ҳарбийларимиз, божхоначиларимиз ва ички ишлар ҳодимларининг профессионаллиги, масъулияти ва Ватанга садоқати алоҳида таҳсинга сазовордир.

Маҳалла тинчлиги — мамлакат тинчлиги демек
Сўнгги саккиз йил мобайнида мамлакатимизда бирон-бир соҳа

даги жиноятлар 17,6 фоиз, илгари судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар 9,6 фоиз ва ишсизлар жиноятчилиги эса 20,9 фоизга камайди.

Мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби

Ҳар бир давлат ўзининг мустақиллиги ва тинчлигини сақлашда оқилона ташқи сиёсат билан бирга ўз ҳарбий салоҳиятига ҳам таянади. Бугунги халқро муносабатларда ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ва тараққиёти у ерда ўрнатилган тинчлик-осойишталикка боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳаёсики давлатда нотинчлик, оммавий тартибсизликлар, қуроли моҳролар, ҳарбий тўқнашувлар ўз берадиган бўлса, шу юртда иқтисодиёт, саноат, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш ва таълим каби тармоқлар сезиларли даражада заифлашади. Шу боис ҳар бир давлатнинг хавфсизлиги, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашда Қуроли Кучларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда

“Президентимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва Европа Иттифоқида дўстлик, ўзаро ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари дунё давлатлари лидерлари томонидан бир овоздан эътироф этилмоқда.”

дунёда рўй бераётган қуроли тўқнашувларни таҳлил қилган ҳолда қўшинларни тайёрлашнинг энг мақбул йўналишлари ва мазмунни белгилаб, Қуроли Кучларнинг тезкор бошқарувини ташкил этиш, ҳарбий ҳизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговарлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга таъбиқ этилмоқда.

Хусусан, яқинда Қуроли Кучлар Академияси ислот қилиниб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди. Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий таълим муассасалари — 5 та институт, сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда авиация ва учувчисиз учиб аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш маркази институт мақомида мазкур университет таркибига ўтказилди. Бу марказлашган вертикал тизим қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, дуал таълимни кенгайтириш, илмий тадқиқотларни амалиётга таъбиқ этишга ҳизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг нейтрал ва тинчликсевар ташқи сиёсати, барча қўшни давлатлар билан яхши қўшнчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб ҳизмат қилмоқда. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ва бошқа халқро тузилмалар доирасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгаймоқда.

Миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарларга муносиб жавоб қайтара оладиган мустаҳкам қуча эга бўлдики, бу аввало, тинчликсевар халқимизнинг юксак матонати, ватанпарвар ўғлонларимизнинг бирлиги, ҳарбий ҳизматчиларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокида яққол намоён бўлди.

Мухтасар айтганда, миллий армиямиз таркибига қисқа йилларда амалга оширилган ислотлар ва кенг қўламли ўзгаришлар, халқимизнинг ўз ҳимоячиларига ишончини ошириш билан бирга, армиямиз нуфузини дунё рейтингида юқори поғоналарга кўтарди.

Фавқулудда вазиятлардан огоҳлантириш — ҳаёт-мамот масаласи

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга қаратилган ислотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Табиий ва техноген офатлардан аҳолини муҳофаза қилиш, фавқулудда ҳолатларга тезкор ва мувофиқлаштирилган жавоб қайтариш, шунингдек, барча даражадаги хавф-хатарларнинг олдини олишда Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг фаолияти мамлакатдаги ислотларнинг муваффақиятида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ҳамда фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг барча йўналиши, хусусан, рақамлаштириш жараёнларида ҳам ўзининг ёрқин исботини топмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда юз бериши мумкин бўлган зилзилаларни мониторинг ва прогност қилиш йўналишида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Қучли зилзиладан огоҳлантириш” мобил йловаси ишлаб чиқилди ва республикада қучли зилзилалардан эрта огоҳлантириш миллий тизими қузуватлар тармоғидаги станциялари сони 130 тага етказилди.

Сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ табиий офатлар нафақат инсонлар ҳаётига хавф солади, балки давлат иқтисодиётига ҳам улкан талафотлар олиб қелади. Фавқулудда вазиятлар вазирлиги томонидан олиб борилаётган профилактик, ташкилий-амалий тадбирлар натижасида фавқулудда вазиятлар 2024 йилда олдинги йилдагига нисбатан 23 фоизга камайди.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиш мумкинки, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги ўтган давр ичида мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини ёнгинлар ва бошқа тусдаги фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилишга қодир бўлган мобил ва профессионал ҳизматга айланди.

Яқин кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигини нишонлар эканмиз, юртимизда амалга оширилаётган ислотлар, тинчлик-осойишталик, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳар биримизга чексиз ғурур ва масъулият туйғусини бағишлайди.

Мустақиллиқни асраш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга ёрқин мерос сифатида қолдириш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Қутбидин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари
қўмитаси раиси.

Акс садо

БАРҚАРОР
ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

“Аваза” миллий туризм зонасининг Конгресс марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда туркман халқининг миллий етакчили, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов иштирокида бўлиб ўтган музокаларар икки томонлама муносабатлардаги ўзаро ишонч ва дўстона алоқаларнинг юқори даражада эканлигини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги дунёда барқарор тараққиётнинг калити — ўзаро ишонч, очиқ мулоқот ва манфаатлар уйғунлиги ҳисобланади. Туркменистон билан муносабатларимиз айнан мана шу тамойилларга асосланган.

Охириги йилларда амалга оширилаётган йирик иқтисодий ва инфрақулимавий лойиҳалар, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги қардошлик ришталари бунинг яққол далилидир.

Айни учрашув давомида ҳам икки қардош давлат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга қаратилган масалалар муҳокама марказида бўлди. Жумладан, иқтисодиёт, саноат, энергетика, қишлоқ ҳўҳалиги ва транспорт соҳаларида амалга оширилаётган кооперация лойиҳалари, жорий йилда 700 млн. АҚШ долларига етган товар айирбошлаш ҳажми, “Шовот

Манфаатли
АЛОҚАЛАРНИНГ
МУҲИМ БОСҚИЧИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон, Туркменистон ҳамда Озарбайжон билан дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида кўллаб ўзаро манфаатли келишувларга эришилди, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар барча йўналишда жадал ривожланиб бормоқда.

Президентимизнинг Туркменистоннинг “Аваза” сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидagi учрашувдаги иштироки ва ўтказилган музокаларлар муҳим аҳамиятга эга.

Саммит доирасида кўп томонлама ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаши ва саноат кооперацияси қўламини тубдан ошириш устувор йўналиш бўлиб, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Туркменистон ва Озарбайжон билан ўзаро савдо ҳажми 2 баробар ошди. Товар айирбошлаш таркибидан саноат маҳсулотларининг улуши 40 фоизга етди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича қатор аниқ тақлифларни билдирди. Хусусан, уч давлатнинг улкан транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, амалдаги ва истиқболли йўлақларнинг туташуви Итйойни мамлакатларимиз ҳудудлари орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа билан боғлайдиган барқарор ҳамда самарали транскитъавий йўналишни шакллантириш имконини беради.

Маълумки, бугунги кунда Хитой — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланган. Бундан ташқари, яқинда Покистон ва Афғонистон билан Трансафгон йўлагини қуриш лойиҳаси бўйича меморандум имзоланди.

Афғонистон орқали ўтувчи Трансафгон темир йўли лойиҳаси Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Мазкур темир йўли Ўзбекистоннинг Эронга чиқиб имкониятларини очиб беради. Сўнгги вақтларда Туркменистон ҳам Эрон йўналишида транспорт йўлақларини қучатириб бормоқда. Бу эса қучларни бириштириш зарурлигидан далолат беради.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кооперацияни чуқурлаштириш ва энергия ресурсларини ўқинчи қилишга, барча соҳада ўзаро манфаатли шерикликни рўёбга чиқаришга ҳизмат қилади.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

Сенатор ва ҳаёт

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда ёшлар бандлигини таъминлаш ишлари билан танишмоқда.

Гулистон шаҳрида Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши раиси, сенатор Покиза Аҳмеджонов ва иштирокида ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда олий ўқув юртлири битирувчилари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, олий ўқув юртлири ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, вилоятда 4 та олий таълим муассасаси фаолият юртсда, шундан 3 та олийгоҳни жорий йилда вилоятда доимий рўйхатда турган 3 147 нафар ёш битирган. Бундан ташқари, бошқа вилоятларда жойлашган олий таълим муассасаларини 3 538 юрдошимизи тамомлаган.

Таъкидлангандек, бугунги кунда олий таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсодида тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат вилоят штаби фаолияти йўлга қўйилди.

Йиғилишда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилан олдинди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Кобул Турсунов ҳам Навоий вилоятидаги хизмат сафари доирасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида олий ўқув юртлири битирувчилари бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, олийгоҳлар ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлангандек, вилоятда икита давлат ва икити нодавлат олий таълим муассасаси фаолият қўрсатмоқда. Хар йили Навоий вилоятдан 10 мингдан ортқ битирувчилар етишиб чиқади, уларнинг 45 фоизи вилоятдаги, 55 фоизи бошқа ҳудудлардаги олий ўқув юртлирини тамомлаган. Бугунги кунда битирувчиларнинг 65 фоизи

ишга жойлаштирилган, 3 526 киши ишсиз қолмоқда. Ишга жойлаштирилганларнинг 79 фоизи доимий ишга эга, 21 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Учрашувда ёш мутахассисларни иш билан таъминлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга эътибор қаратилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари қорхона раҳбарлари билан бирга битирувчилар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўраётгани таъкидланди. Бундан ташқари, вилоятда сайёр қабуллар, меҳнат ярмаркалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Учрашув якунида ёшлар бандлигига янада кўмаклашиш, таълим тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни кучайтиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сурхондарё вилоятида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мос равишда тайёрлаш, таълим ва иш ўртасидаги узвийлиқни кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда ёшларни иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, хорижий тиллар ва педагогикадан ташқари, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, муҳандислик ҳамда аниқ ва табиий фанлар йўналишларига кенг жалб қилиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан замонавий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида ҳудуд раҳбарларининг ёшларни иш билан таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар бўйича режа ва тақлифлари аштитилди.

Яқунда таълим сифатини ошириш, ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурларни кенгайтириш, таълим муассасалари ҳамда бизнес ҳамжамият ўртасида самарали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

МАҲАЛЛАНИНГ ИЛГОР ТАЖРИБАСИ ЭЪТИРОФИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Самарқанд вилоятига хизмат сафари доирасида Самарқанд шаҳридаги “Навбоғчиён” МФЙда бўлди.

Сенатор ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ва “маҳалла етилиги” фаолияти билан танишиди ва аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчилик ташаббуслари, шунингдек, аҳоли фаровонлигини ошириш ва жойларда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш доирасида давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу билан бирга, ҳудудда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллада 250 дан ортқ замонавий кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, улар асосий нуқталар — бош кўчалар,

таълим муассасалари, болалар майдончаларини қамраб олган. Бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тартибни сақлаш ва фуқароларнинг осийишталлигини таъминлаш имконини беради.

Маҳаллада экологик тоза технологиялар жорий қилиниб, кўёш панеллари ўрнатилгани ҳамда муқобил энергия манбаларидан фаол фойдаланилаётгани эътироф этилди. Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан тизимли ишлаш борасидаги ташаббуслар ҳам ижобий баҳоланди.

Учрашув якунида маҳалладаги илгор тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий этиш лозимлиги таъкидланди.

ИЖТИМОЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ — АМАЛДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Орал Атиянжоева Қорақалпоғистон Республикасининг Кейгели туманида маҳаллий Кенгаш депутатлари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Сенат ялли мажлисларида қабул қилинган ва муҳокама этилган қонунлар мазмун-моҳияти, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ёшлар бандлигини таъминлаш, муҳим ижтимоий дастурларни самарали амалга ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотларга эътибор қаратилди.

Кун тартибидан ўрин олган муҳим масалалардан яна бири — аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтқа-

зилгани бўлди. Сенатор маҳалларда бўлиб, фуқаролар билан юзма-юз учрашди ва уларни қийнаётган долзарб муаммоларни ўрганди.

Шунингдек, белгиланган тартибда фуқаролар муножаатлари қабул қилиниб, йўллар сифати, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли идоралар вакиллари иштирокида ечим изланди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚ МУЛОҚОТ — ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ

“Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: ҳар бир соҳа, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла — фақат тадбиркор ҳаракат қилганида, уларга қулоқ тутиб, ишонч билдирилганида ривожланади, обод бўлади”.

Мушоҳада



Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда бу ҳақда тўхталиб, айнан уларнинг овози орқали қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга муҳокама этилиб, ижобий ечим топилаётганини, натижада ўтган саккиз йил давомида қанчалик қийин бўлмасин, иқтисодиётимизнинг қўллаб-қувватлашга йўқдан бор қилинганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Президент билан тадбиркорлар ўртасида тўғридан тўғри мулоқотни давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айлантириш — бу дунё таърибасида камдан-кам кузатиладиган воқеа.

Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот эса янги Ўзбекистон сиёсатининг муҳим воситасига айланиб бўлди. Гап шундаки, Президент очиқ мулоқот орқали иқтисодий сиёсатни юритишда проактив ва прагматик ечимларни бевосита мунозара, мушоҳада ва мулоҳазалар орқали топмоқда, десак, асло янглишмаймиз.

Хусусан, бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодий ривожланишни янада жонлантириш, инвестициялар жалб қилиш, солиқ енгилликлари, саноат ва туристик кластерлар учун маблағ ажратиш каби қўллаб-қувватлаш маана шу, эркин руҳда ўтаётган мулоқотларда ўз ечимини топмоқда.

Шу нуктаи назардан айтганда, тадбиркорлар билан очиқ мулоқотларда илгари сурилган янги гоғлар ривожланишимиз учун нечоғли муҳимлигини, улар қандай самара бераётганини ҳамда бизнес вакиллари кутаётган имкониятлар ва енгилликлар реал воқеликка айланганини яққол кўрсатиб бераётгани аини ҳақиқатдир.

Тезкор алоқа ва эркин фикрлаш бюрократияни қисқартиради

Айтиш мумкинки, ҳар йилги очиқ мулоқот давлат билан хусусий сектор ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштиради. Бу биз учун одатий ҳолга айланди. Яратилган яхши имконият ва шароитга тез қўнмиқа ҳосил қилиш. Бундай “қиска йўлга” ўтқунимизгача, тадбиркорлар рўбарў келган тўсиқларини, уларнинг дарду хасратини ким тўғридан тўғри Президентга етказса олар эди? Битта кичкина муаммони ҳал этиш учун вазирликма-вазирлик айланиб юриш, ечилимаган муаммо, битмаган ишнинг азобини тортиш тадбиркорнинг бўйнида эди. Бирор ишни тезроқ ҳал қилишнинг имкони бозорда

Ишончга ундовчи «кўнгиноқлар»

Очиқ мулоқотнинг яна бир муҳим жиҳати — тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалалар четдан Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни қузатиб турган ҳамкорларимиз учун энг ишончли маълумот манбаидир. Янги Ўзбекистоннинг бугунги тадбиркорлари, мисол учун, қўшимча моддий ёрдам ёки уларга нисбатан йўл қўйилаётган адолатсизликлар, мулк дахл-сизлиги, рейдерлик ҳолатлари тўғрисида эмас, балки бизнесни ривожлантиришнинг истикболли лойиҳалари юзасидан ўзларини аниқ тақлиф ва тавсияларини бермоқда. Бу “кўнгиноқлар” ҳалқаро сармоядорларга ва маҳаллий инвесторларга Ўзбекистонда очиқ ҳамда адолатли сиёсат олиб борилаётганининг ха-

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми ва “Йўл харитаси” имзоланди.

Учрашув

Ёшлар парламенти вакилларининг марказ директори ўринбосари Юлия Рисюкова билан бўлиб ўтган учрашув чоғида бу таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий қилиш, ҳозирги замон талаблари ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган ўқув режалари, дастурлари ҳамда ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустақамлашга қаратилганлиги айтилди.

Ҳамкорлик доирасида таълим сифатини ошириш, ёшлар ташаббус ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, долзарб масалаларга бағишланган конференциялар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилгани айтилди.

Томонлар етакчилиги, нотийлик маҳорати ва лойиҳа бошқаруви бўйича онлайн ўқув курсини йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашди. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида марказнинг “Келажақ яратувчилар” лойиҳаси доирасида ҳам қатор тадбирларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳамкорлик доирасида ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш ва виртуал маконда ҳавфсиз таълим муҳитини яратиш мақсадида киберхавфсизлик масалалари бўйича онлайн курс ташкил этилиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

барини етказмоқда. Бизнес муҳити тўғрисида хабарлар қанчалик ҳаққоний бўлса, хорижий сармоя киритувчиларда ишонч шунчалик тез пайдо бўлади, мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги ошиб боради.

Шу ўринда Ўзбекистон бизнес муҳитини яхшилаш борасида жиддий қадамлар қўйганини алоҳида қайд этиш жоиз. Солиқ ва лицензия тизимини соддалаштириш, рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклиқни кучайтиришга оид фаол ташаббуслар амалда ўз инфосанин топмоқда. Ишбилармонлар билан мулоқот орқали кредитлаш, ер ажратиш, лицензия талабларини яна соддалаштириш ҳамда молиявий муҳитни яхшилашга қаратилган прогрессив ечимлар тақлиф қилинмоқда.

Сўнгги беш йилдаги кенг қўламли ислохотлар натижасида Ватанимиз рейтингини яхшилаётгани, тадбиркорлар муттасил ўсиб бораётгани, янги бизнес лойиҳаларини амалга оширишда давлат қафолатлари ва бар-

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган ишларни янада чуқурлаштириш мамлакатнинг инновацион иқтисодиёти йўлидаги муҳим вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратди. Чунки жаҳон иқтисодиётида рақобат тобора кучайиб бораётган бир пайтда инновация жараёнларини қўллаб-қувватлаш ҳар қандай давлат учун стратегик вазифа ҳисобланади. Масалан, Сингапур, Жанубий Корея ва Грузия мисолида кўришимиз мумкинки, инновацияга мос муҳит яратиш иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва хорижий инвестициялар жалб этишга хизмат қилади.

Мулоқотда Президент ташаббуси билан илгари сурилган гоғлар самарали амалга оширилиши учун қонунчилик базаси ва ҳуқуқий қафолатлар, интеллектуал мулк ҳимояси, патент тизими, лицензиялашда шаффофлик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“ Ҳар қандай давлатда олиб борилаётган ислохотлар муваффақияти давлат ва хусусий секторнинг эҳтиёжлари ўртасидаги уйғунлик билан боғлиқ. Президентнинг бевосита мулоқоти орқали амалиётдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими муттасил муттасадди вазирлик ҳамда идораларнинг иш режаси ва “йўл хариталари”га киритилиши тизимли йўлга қўйилди. Бу ортқиқа бюрократиянинг илдизига болта урсан ютқуқларимиздан бири, десак, муболага бўлмайд.

қарорлиқни таъминлаш, давлат томонидан кўрсатилмаган молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари билан таъсирчанлиги ва натижадорлигини ошириш чоралари нафақат маҳаллий ишбилармонларни, балки хорижий сармоядорларни ҳам ўзига жалб қилаётгани мулоқот атмосфера-сидан яққол сезилиб турди.

Мулоқот давомида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган янги гоғлар, хусусан, иқтисодиётни диверсификация қилиш, қиймат занжирини шакллантириш, нафақат қишлоқ хўжалиги ёки табиий ресурсларга боғлиқ бўлган секторларнинг ривожланиши, балки IT, финтех, туризм ва хизматлар соҳаларини тараққий эттириш, маҳсулот ва хизматларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорда рақобатни кучайтириш ва юқори қўшимча қиймат орқали аҳоли даромадларини қўнайитириш борасидаги қийматли фикрлари Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган ислохотлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиққанилигини дунё ҳамжамиятига яққол намоён қилди.

Инновация ва қулай муҳит уйғунлиги

Инновациянинг келажаги қулай муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис давлат раҳбари

Биламизки, инновациялар ўзига мос молиявий инфратузилмани ҳам талаб этади. Шу ўринда венчур фондлари, акселераторлар, грантлар, имтиёзли кредитлар технопарклар ва илмий лабораториялар ҳамда инновация марказлари фаолиятини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Мана шу омиллар уйғунлигида ишлагандагина инновация жараёнлари жадаллашиши мумкин.

Тадбиркорлик феномени — асосий драйвер

Ўзбекистонда тадбиркорлик — бу маҳалладан тортиб, тармоқ ва соҳаларгача тез сингиб бораётган ижтимоий-иқтисодий воқелик, десак, хато бўлмайдди. Тадбиркорлиқнинг мамлакатимиз учун муҳим жиҳати шундаки, у оилавий, ҳудудий ва миллий даражадаги мавжуд ресурсларни фаоллаштиришдек муҳим стратегик вазифани амалга оширишга имкон яратяпти.

Шу боис Президент томонидан илгари сурилган янги гоғлар амалий жиҳатдан ўта долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, ақка тартибдаги тадбиркорлар учун махсус ҳуқуқий режим — рўйхатдан ўтишдан тортиб ҳисоботларгача бўлган барча жараённи рақамлаштириш ва ҳисобот юкламаларини енгиллаштириш, бу ки-

чик бизнес учун эркинлик ва қўшимча қулайликлар беради. Инвестиция платформасини юритиш эса лойиҳаларни жойлаштириш ва хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатиш имкониятини яратяди.

Шу ўринда тадбиркорликка кўмак бериш ва қўллаб-қувватлашга оид Президент тақлиф этаётган ёндашувини ўзига хос қўйидаги жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз:

— тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар аниқ амалий натижага йўналтирилган. Учрашувларда айтилган ҳар бир ташаббуснинг тезкор ижро тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Яъни қарорга мувофиқ, манбалар, маблағлар, жавобгарлар ва ижро муддатлари белгиланади;

— масалалар ва муаммолар ечимига тизимли ёндашиш белгиланмоқда. Яъни у нафақат бир ёки икки соҳани, балки солиқ, кредит, инфратузилма, сертификатлаш ва таълим каби тизим элементлари биргаликда амалга оширилади ва ривожлантирилади; — белгиланган вазифалар ижроси бўйича ҳисобдорлик ва очилқил принциплари қатъий амал қилинади. Очиқ мулоқотлар орқали жамоатчилик назорати ва ҳисобдорлик таъминланади. Бу эса ислохотларнинг натижадорлигини қафолатлайдиган механизм, десак, тўғри бўлади.

Хулоса ўрнида

Тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Президент ташаббуси билан йўлга қўйилган “мулоқот — муаммо — ечим — натижа” тизинининг устун жиҳати — бу чора-тадбирларнинг тадбиркорлар кўтарган муаммонинг негизига, келиб чиқиш омилларига қаратилганлидир. Белгиланган чора-тадбирларда ислох қилиш механизмлари, яъни молиявий инструментлар (имтиёзли кредитлар, грантлар) ва инфратузилма лойиҳалари бир вақтда қўлланилиши натижасида уларнинг тизимли таъсири самарали бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Президент билан ҳар йили ўтказиладиган очиқ мулоқот — бу фақат давлат раҳбарининг маърузаси эмас, балки давлат сиёсатини жонлантирувчи, хусусий секторни қўллаб-қувватловчи ва иқтисодий трансформацияни тезлаштирувчи муҳим воситадир. Зеро, янги ташаббус ҳамда гоғлар негизига тадбиркорлик ва хусусий секторнинг ривожига қаратилган эзгу, устувор мақсад мужассам. Ўз навбатида, тадбиркорларнинг очиқ мулоқот орқали берилган имкониятлардан самарали фойдаланиши аини муддаотлар. Давлат эса бу жараёни молиявий ва институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлашни қафолатлайди.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭШИТУВДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ?



манзилли ишлатилишини алоҳида назорат қилиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида ўзаро мақсадли мулоқотлар асосида соҳани такомиллаштириб бориш, мавжуд муаммоларни ечиш чораларини кўриш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибдаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбарининг “2030 йилгача бўлган даврда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари аштитилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг экологик билимларини юксалтириш, бу борада ҳуқуқий базани мустақамлаш ва давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 8 август куни олий таълим битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий боғлиқликни кучайтириш, бозор талабига мос мутахассислар тайёрлаш ҳамда ёшларни кафолатли иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Муносабат



Кейинги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Охириги етти йилда қабул 4,5 баробар ошиб, қамров 42 фоизга етди. Бироқ Президентимиз таъкидлаганидек, кадрлар тайёрлаш тизими ҳали ҳам меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига тўлиқ мос эмас. Масалан, Жиззахдаги “BYD” заводиди ҳозир 100 та бўш иш ўрни мавжуд. Шундан чорак қисми — робототехника ва бўёқлаш, роботларни дастурлаш соҳасидаги муҳандислар учун. Завод тўлиқ қувватга ўтгач, малакали мутахассисга талаб янада ошади. Шу боис кадрлар тайёрлашда айна ҳолатлар ҳисобга олиниши зарур.

Тўғри, бугун мамлакатимиз олий таълим тизими изчил юксалиб бормоқда. Жумладан, олий ўқув муассасалари сони ва талаба қамрови рекорд даражага етди. ОТМ сони 2024/2025 ўқув йили бошида 222 та бўлди (филиаллар билан), бу 2015 йилдагидан 3,2 карра кўп. Талабалар сони 1,43 миллион, 2015 йилдагидан қарийб 5 баравар ошган. Уларнинг 782 минг нафарини аёллар ташкил этади. Олийгоҳларнинг молиявий, ташкилий ва академик мустақиллиги кенгаймоқда.

Шунга қарамай, бугунги тараққиёт шиддати, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган эзгу мақсадлар рўёби олий таълимни соҳалар талаби даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ёшлар бандлиги қамровини жадал оширишни тақозо қилмоқда.

Мутахассис ва корхона ўртасидаги кўприк

Сўнгги йилларда 40 та ОТМга молиявий мустақиллик берилди. Бу иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, хорижий тиллар каби йўналишларда ўз самарасини берди. Аммо қишлоқ ҳўжалиги, муҳандислик, аниқ ва табиий фанлар хануз ёшлар учун унчалик жозибадор эмас. Шу сабабли, 25 та муҳандислик олийгоҳининг ҳамкор корхоналарда 438 та кафедраси очилди. Масалан, нефть-газ тармоғида таълим-ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилди. Натижада Бухоро техника университетининг 2 мингдан ортиқ битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича иш топди. Илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш даражаси эса 10 баравар ошди.

Яқин йилларда 83 миллиард

долларлик йирик лойиҳалар ишга туширилади. Фақат саноатнинг ўзиди 500 мингга яқин малакали мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлиши кутилмоқда. Бухорода газ-кимё мажмуаси, Ўстюртда хорижий ҳамкорликдаги лойиҳалар бунга ёрқин мисолдир.

Энди 1 миллион доллардан ортиқ қийматга эга ва 50 дан кўп иш ўринлари яратувчи ҳар бир лойиҳа техник-иқтисодий асосда зарур мутахассислар рўйхати билан бирга ишлаб чиқилади. Олий таълим муассасалари шу асосда буюртма олиб, кадрларни мақсадли тайёрлайди.

Талабаларнинг билим даражаси иккинчи курсдан сўнг инвесторлар иштирокида баҳоланади. Битирув иши эса амалий лойиҳалар асосида ҳимоя қилинади. Инвестор талабига жавоб берадиган ёшлар кафолатли иш билан таъминланади. Шундай қилиб, олийгоҳ билимли, малакали мутахассислар ва корхоналарни ўзаро боғлайдиган кўприкка айланади.

Ахборот технологиялари — келажак касби

Ахборот технологиялари — бугун нафақат илмий-техникавий тараққиётнинг, балки жаҳон иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантурувчи кучи. Рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, “Big Data”, киберхавфсизлик, булутли технологиялар ва блокчейн каби йўналишлар глобал миқёсда янги иш ўринлари, хизматлар ва бизнес моделларни вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистонда IT соҳасида банд аҳолининг 60 фоиздан ортигини 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида минглаб ёшлар дастурлаш асосларини ўрганмоқда. IT-парк резидентлари сони 2020 йилда 147 та бўлса, 2024 йилда мингдан ошди. Уларда ҳодимларнинг асосий қисми 20 — 30 ёшли мутахассислардир.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, Эстония ва Жанубий Кореяда ахборот технологиялари асосларини мактаб чоғидан мажбурий тарзда ўқитиш келажакда рақобатбардош кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Ҳиндистон эса IT аутсорсинг орқали миллиардлаб долларлик экспорт ҳажмига эришган бўлса, Исроилда стартап экотизими орқали юқори технологияли иш ўринлари яратилган.

Эстония ахборот технологияларидан фойдаланишда дунёда етакчи ўринда туради. Ушбу давлатда рақамли хизматлар ва электрон бошқарув тизими жаҳонда энг самарали, деб эътироф этилган. Мамлакат аҳолисининг 99 фоизи давлат хизматларидан онлайн фойдаланади. Солиқ декларациялари, тиббий ёрдам, овоз бериш жараёнлари, бизнесни рўйхатга олиш — барчаси интернет орқали амалга оширилади. Жаҳоннинг кўплаб тadbиркорлари Эстония резиденти бўлиб, онлайн бизнес юритиши мумкин. Бу орқали давлат қўшимча инвестиция ва солиқ тушумлари келмоқда.

Юқорида айтганимиздек, бу мактабларда дастурлаш мажбурий фан сифатида ўқитилишининг самараларидан бири. Шунингдек, ушбу мамлакатда олийгоҳлар IT мутахассисларини халқаро стан-

нди қўлланилади. Шу боис IT ва стартаплар соҳасидаги тadbиркорларнинг 60 фоизи 35 ёшгача бўлганлардир. Ахборот технологиялари ва телекоммуникация ЯИМнинг 10 фоизини ташкил қилади. “Samsung”, “LG”, “Kakao” каби йирик корпорациялар иқтисодий ўсишнинг драйвери ҳисобланади. Ёшлар стартапларини давлат грантлари ва венчур инвестициялар билан қўллаб-қувватлаш рақамли иқтисодиёт ривожини тезлаштиради.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари саноат билан уйғун ривожланганда иқтисодиётнинг ўсиш суръати ва самарадорлиги сезиларли ошади.

Ўзбекистон шароитида қатор йўналишларда амалий ишлар олиб бориш мақсада мувофиқ. Жумладан, “ERP” ва “IoT” тизимларини жорий этиш орқали корхона ресурсларини реал вақтда ҳисоблаш ва оптималлаштириш мумкин. Автоматлаштирилган линиялар, роботлар ва “3D” принтерлардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш тезлигини ва маҳсулот сифатини ошириш имконияти катта. Сунъий интеллект ёрдамида талаб прогнозини аниқлаш, маҳсулот сифатини назорат қилиш ва ишлаб чиқаришда хатоларни камайтириш

ган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу йўналишларни амалга ошириш натижасида саноатда рақамли трансформация жараёни тезлашади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, IT соҳасида ёшлар учун юқори маошли ва юқори қийматли иш ўринлари яратилади.

Битирувчиларни қўллаб-қувватловчи тизим

Йиғилишда айтилганидек, 2024/2025 ўқув йилидаги 92 минг битирувчининг 20 минг нафари магистратура ёки иккинчи мутахассислик бўйича ўқишни давом эттиради. Яна 20 минг нафар ёш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги орқали стаж талаб қилмайдиган ишларга жойлаштирилади. Ҳар бир вилоятда очиладиган “бизнес инкубаторлар” орқали 10 минг ёш тadbиркорлик, маркетинг, дизайн, IT соҳаларида банд қилинади.

Кимё, энергетика, геология, автотомбилсозлик, металлургия, тўқимачилик, қурилиш, транспорт ва логистика каби тармоқларда ҳам янги иш ўринлари яратилади. Тижорат банклари орқали 20 минг битирувчига бизнес бошлаш учун имтиёзли кредитлар берилди. Битирувчини ишга олган тadbиркорлар ҳам 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит олиши мумкин.

Ўзбекистонда олий таълим тизими янги босқичга чиқар экан, бу нафақат диплом берадиган, балки битирувчинини иш билан таъминлайдиган тизим бўлиши кўзда тутилган. Йирик саноат лойиҳалари, амалиётга йўналтирилган таълим, бизнесни бошлаш учун кредитлар — буларнинг барчаси ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот технологиялари соҳаси ёшлар бандлигини таъминлашда ва миллий иқтисодиёт модернизациясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эстония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Исроил, Сингапур ва АҚШ мисолида айтиш мумкинки, таълим тизимида рақамли кўникмаларни эрта ўқитиш, стартап ва аутсорсинг бозорини ривожлантириш иқтисодий ўсишга кучли туртки беради.

Ўзбекистон учун ҳам IT соҳасини олий таълим ва ишлаб чиқариш билан чуқур интеграция қилиш, ёш мутахассисларни халқаро талабларга мос тайёрлаш, IT хизматлари экспортини кенгайтириш ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш стратегик устувор йўналиш ҳисобланади. Бу нафақат ёшлар бандлигини оширади, балки мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини таъминлайди.

Келгуси йилларда бў ёндашув натижасида ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган ёшлар сони кескин ошиши, иқтисодиёт эса замонавий билим ва кўникамага эга кадрларга бойиши кутилмоқда.

Жамшид СУЛТОНОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидидаги Тошкент ахборот технологиялари университети проректори,
техника фанлари доктори.

РЕКЛАМА



«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилаётган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказилаётган савдога таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига мувофиқ ҳамда “O’zsanoatqurilishbank” ATB билан тузилган 2025 йил 18 июндаги 18-2025ER сонли шартномага асосан “O’zsanoatqurilishbank” ATB балансида бўлган қуйидаги мулклар сотувга чиқарилмоқда:

- Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қора тепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 99-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси: 552,2 млн. сўм.
- Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қора тепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 70-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси: 521,3 млн. сўм.
- Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қора тепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 249-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси: 447,5 млн. сўм.
- Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қора тепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 250-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси: 441,2 млн. сўм.
- Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Қора тепа” МФЙ, Ҳаёт кўчаси, 310-уйда жойлашган ҳовли-жой, бошланғич баҳоси: 432,9 млн. сўм.

Юқорида кўрсатилган мулклар йиллик 14 фоиз устама билан бошланғич тўлови 60 фоиздан кам бўлмаган ҳолда 11 ойга бўлиб тўлаш шарти асосида сотувга чиқарилмоқда.

Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза бериши мумкин.

Call-маркас: +99855-517-22-20, расмий сайт: www.e-rieltor.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятда келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун оқушни расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.30 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6



Муҳожирлар сони рекорд даражада камайди

Сўнгги ўн йилликлар ичида илк бор АҚШга келганлардан кўра ундан кетганлар кўпроқ экани маълум бўлди.

Бу ҳақда “Pew Research Center” ҳисоботида таъкидланади.

Ташкилот маълумотларида қайд этилишича, 2024 йил ҳолатига кўра, АҚШда 53,3 миллион муҳожир яшаган, бу мамлакат тарихидаги рекорд кўрсаткичдир. Бироқ иммиграция сиёсати ўзгаргани боис вазият ўзгача тус олди. Олти ой ичида муҳожирлар сони қарийб 1,5 миллион кишига камайди. Кимдир ўз ихтиёри билан мамлакатни тарк этди, бошқалари депортация қилинди. “The New York Times” нашри муҳбирининг таъкидлашича, бундан олдин муҳожирларнинг бундай сезиларли аниқ оқими фақат ўтган асрнинг 30-йилларидаги Буюк депрессия даврида кузатилган. Ўша пайтда 400 мингдан 1 миллионгача мексикалик ва келиб чиқши мексикалик бўлган америкаликлар Қўшма Штатларни тарк этган.

Жисмоний жазо ечим эмас

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида айтилишича, дунёнинг кўплаб давлатларида болаларга нисбатан жисмоний жазони кенг қўллаш ҳолатлари учрайди. Бу, ўз навбатида, болаларнинг соғлиғи ҳамда ривожланишига жиддий зарар етказмоқда.

Қайд этилишича, ҳар йили 1,2 миллиардга яқин 18 ёшгача бўлган бола ва ўсмир оилада жисмоний жазога дуч келади. Ўтган бир ой ичида 58 та давлатда жисмоний жазога дуч келган болаларнинг 17 фоизи унинг энг оғир шаклларига — бош, юз ёки қулоққа зарба каби зуравонликка учраган.

Энг катта хавф гуруҳига ногиронлиги бўлган болалар, шунингдек, ўзи ҳам болалигида жисмоний жазога учраган, спиритли ичимлик ёки наркотик истеъмол қилувчи, депрессиядан азият чекаётган ёки руҳий касалликларга эга ота-оналарнинг фарзандлари киради.

Мутахассисларнинг фикрича, жисмоний жазо ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Калтаклаш боланинг ҳуқуқини тузатмайди, ривожланишига ёрдам бермайди ва жамият учун фойда келтирмайди.

Китоб ўрнини ҳеч бир гаджет боса олмайди

Дания ҳукумати сўнгги йилларда кучайиб бораётган китобхонлик инкирозидан ташвишланиб, фуқароларни китоб ҳаридига ундаш йўлини танлади. Шу мақсадда 25 фоизлик китоб савдоси солиғини бекор қилиш режалаштирилмоқда.

Айтиш жоизки, Данияда китобларга қўйилган 25 фоизлик солиқ Европада энг юқори бўлиб, Буюк Британия сингари китоб маҳсулотларига умуман солиқ солмайдиган мамлакатлардан кескин фарқ қилади.

Мамлакат маданият вазистри Якоб Энгел-Шмидт ушбу ўзгариш тўғрисида дўконлар жавонларидан кўпроқ китоблар сотилишига умид билдирган. Режа давлатда йилгига тахминан 44 миллион еврога тушади. Ва бу чора мамлакатнинг маданий келажигага йўналтирилган сармоя ҳисобланади.

Статистика маълумотларига кўра, Данияда 15 ёшли ўсмирларнинг ҳар тўртинчиси оддий матнни ҳам тушунишга қийналади. Бу ўн йил илгариги натижадан тўрт фоизга кўп. Экспертлар кам китоб ўқилаётганини болаларнинг диққатини ўғирлаётган гаджетлар билан боғламоқда.

Янги қурилиш материали яратилди

Янги яратилган қурилиш материали ёруғлик ва иссиқлик билан ўзаро таъсирга киришиб, оддий цемент ёки бетондан фарқли равишда биноларда иссиқлик тўпланишига эмас, балки уларнинг совишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари “Science Advances” илмий журналда чоп этилди. Янги аралашмани қўллаш кундузги жазирама пайтида бино ичидаги ҳароратни 5 даражага пасайтириш имконини беради. Олимлар “фотон-структураланган цемент” деб номлаган материал ХХРнинг Жануби-шарқий университети профессори Миао Чанвен раҳбарлигидаги хитойлик ва америкалик материал-шунослар томонидан яратилган. Бу ишланма аънавий цементнинг асосий камчиликларидан бирини бартараф этишга қаратилган.

Аммо бу камчилик цементни тропик ва иссиқ мамлакатларда қўллашга тўқсинлик қилади, чунки унинг асосидаги қурилиш материаллари қуёш нури ва иссиқлигининг атиги 30 фоизини акс эттиради.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

23-24 август кунлари Самарқанда триатлон бўйича «Challenge Samarkand — 2025» халқаро мусобақаси бўлиб ўтади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши